

САВОЛ - ЖАВОБ

САВОЛ - ЖАВОБ

Савол: Болаликдан ногирон ўзгалар парваришига мухтож болаларнинг ота-оналарига ва ижтимоий ҳимояга мухтож оиласларга бериладиган ёрдам турлари ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 17-февралдаги ПФ-74-сонли фармонига мувофиқ 2022-йил 1-апрелдан бошлаб:

Ўзгалар парваришига мухтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг (кейинги ўринларда — ўзгалар парваришига мухтож болалар) парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига ҳар ойда 500 000 сўм миқдорида нафақа тўлови (кейинги ўринларда — парваришлаш нафақаси) жорий этилган.

Парваришлаш нафақаси фуқароларнинг Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига қилган мурожаатлари асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади.

Бундан ташқари ўзгалар парваришига мухтож ногиронлиги бўлганларнинг оила аъзолари ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 03.09.1993 йилдаги 938-XII-сонли “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни 37-моддаси иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турлари келтириб ўтилган бўлиб, унинг 1-қисми “д” бандида I-гурух ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача бўлган, ногиронлиги бор болага, шунингдек (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) ўзгаларнинг парваришига мухтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт ёшга доир пенсия тайинланаётганида иш стажига қўшиб ҳисобланиши назарда тутилган.

Бироқ ушбу қонуннинг 37-моддаси 2-қисмida чекловлар ўрнатилган бўлиб, мазкур модданинг «д» ва бошқа бандларида назарда тутилган даврлар умумий иш стажи камида 7 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланиши белгиланган.

Тошпўлатов Абдуҳаким Хамитжон ўғли - Сўх тумани юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсультi

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#) | [Telegram](#) | [Telegram murojaat](#) | [Youtube](#) | [Instagram](#)

2023-01-21 16:37:21